



МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Суюнов Ёрқин Бекмуродович -
и.ф.ф.д. (PhD), ТДИУ**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a14

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда инвестиция сиёсатининг истиқболлари, инвестициялар ҳисоби ва аудитини ҳалқаро тажрибалар асосида ривожлантириш, шу билан бирга, молиявий инвестиция обьектлари тұғрисида ишончли аудиторлык холосаларини шакллантиришда аудит үтказиш босқичлари ишлаб чиқылған. Шунингдек, молиявий инвестициялар аудитини үтказиш амаллари таркибига құшымча амални кириши орқали аудиторлык текшируви шаффофлигини таъминлашга эришилған.

Калит сўзлар: инвестиция, молиявий инвестиция, аудит дастури, аудит босқичлари, аудит амаллари аудитни режалаштириш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ АУДИТА ФИНАНСОВЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

**Суюнов Ёрқин Бекмуродович –
PhD, ТГЭУ**

Аннотация. Данная статья посвящена рассмотрению перспектив развития аудита финансовых вложений с опорой на зарубежный опыт. Кроме того, в статье анализируются перспективы инвестиционной политики в нашей республике и развития учета и аудита инвестиций с опорой на международный опыт. Кроме того, разработаны этапы проведения аудита при формировании достоверного аудиторского заключения по объектам финансовых вложений. Кроме того, на основании предложений и рекомендаций обеспечена прозрачность проверки путем включения дополнительных мероприятий в проверку финансовых вложений.

Ключевые слова: инвестиции, финансовые вложения, программа аудита, этапы аудита, аудиторская деятельность, планирование аудита

IMPROVING THE ORGANIZATION OF AUDIT OF FINANCIAL INVESTMENTS

**Suyunov Yorkin Bekmuradovich -
PhD, TSUE**

Abstract. This article is devoted to the consideration of the perspectives of developing the audit of financial investments in reliance upon foreign experience. In addition, the article analyzes the perspectives of the investment policy in our republic and development of accounting and audit of investments in reliance upon international experience. Moreover, the stages of conducting the audit in the formation of reliable audit opinions on the objects of financial investments have been developed. Furthermore, based on the proposals and recommendations, the transparency of the audit by including additional activities in the audit of financial investments has been ensured.

Key words: investments, financial investments, audit programme, audit stages, audit activities, audit planning.

Кириш. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва либераллаштириш, жаҳон молия бозорига интеграциялашувини янада тезлаштириш ва капитал бозорини ҳамда рақамли иқтисодиётни янада тараққий эттириш, замонавий корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқиши, иқтисодиёт тармоқларининг янада ривожланишини уларга жалб қилинган инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чукур таҳлил қилған ҳолда кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонинг [1] қабул қилиниши мамлакат тарққиётининг янги босқичи 3-Ренессанс даврининг бошланишини белгилаб берди. Қабул қилинган мазкур фармонда белгиланганидек, "миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш ҳамда инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, "пастдан-юқорига" тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш" каби устувор вазифаларнинг белгиланиши инвестиция сиёсатини амалга ошириш даржаси, уларнинг молиявий манбаларини излаб топиш, тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланишини яхшилаш учун аудиторлик хизматлари сифатини ошириш лозим бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Жаҳон иқтисодиётининг глабаллашуви даврида инвестиция сиёсати, инвестициялар оқимини шакллантириш ҳамда улардан самарали фойдаланишда аудиторлик текширувларини такомиллаштириш бугуни куннинг мұхим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда инвестициялар аудитини ўтказиш услубиётини такомиллаштириш борасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, жаҳон миқёсида хорижий олимларнинг иқтисодиётнинг етакчи саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш субъектларида молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудити услубиётини тадқиқ этишга бағишлиган илмий асарлари мавжуд, жумладан, бу масалалар Farrokh Barzideh, Soroush Lotfi, Mehdi Mousapour, Mojtaba Aghae [3] сингари олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Мазкур олимлар ўз илмий изланишларида инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришда уларнинг манбалари бўйича ҳисобга олишни талқин қилган бўлсалар, Zhiyun Ouyang, Hua Zheng, Yi Xiao сингари олимлар [4] табиий капиталга инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш борасида изланишлар олиб борганлар.

Инвестициялар, хусусан, молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудити МДҲ олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, М.В.Левина[5] ўзининг илмий ишларида молиявий қўйилмалардан самарали фойдаланишда иқтисодий таҳлил методологиясини тадқиқ қилган бўлса, О.Г.Житлухина томонидан [6] молиявий инвестициялар концепция-

сини ишлаб чиқиш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш хусусиятлари очиб берилган. А.В.Пасечник томонидан [7] корхоналарда молиявий инвестициялар ҳисобини ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудити мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг илмий асарларида, асосан, инвестициялар ҳисобини миллий стандартлар асосида ҳисобга олишни такомиллаштириш йўналишларига қаратилган. Жумладан, О.Жўраевнинг тадқиқотлари бозор муносабатлари шароитида корхоналар томонидан амалга оширилган молиявий инвестициялар ва улардан олинадиган молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, Ш.Илхамов томонидан [8] корхоналарда инвестиция фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, А.Авлоқулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда инвестицион қўчмас мулкларни узоқ муддатли инвестициялар таркибидаги узоқ муддатли қимматли қофозлар ва бошқа узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олиш масалари ўрганилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда инвестициялар ҳисоби ва аудити молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларига мувоффик юритилиши уларнинг самарадорлигини оширишга ҳамда инвесторларга ишончли маълумотлар тақдим қилишга хизмат қиласи [9, 10].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича амалиётда рўй берётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштиришга асосланган услубиётларни яратишни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишининг методологияси бўлиб, маълумотларни тўплаш, кузатиш, меъёрий-хукукий хужжатларни ўрганиш асосида тадқиқотнинг иқтисодий муносабатлари ва уларнинг ривожланишидаги ҳодисалар ҳамда ўзаро боғлиқликларни ўрганишга нисбатан ялпи ва тизимли ёндашувларни назарда тутувчи умумий илмий принциплари хизмат қилди. Тизимли ёндашув молиявий инвестиция тушунчасини тадқиқ қилиш, молиявий инвестиция-

лар аудитини шакллантириш концепцияси ҳамда унинг ривожланиш даражасини белгилаш учун қўлланилди. Шунингдек, молиявий инвестициялар аудитини ўтказиш босқичлари, аудиторлик хulosаларини шакллантириш, молиявий инвестициялардан хизматлар соҳасида самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказиши белгилаб берди.

Таҳлил ва натижалар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими яратилди ҳамда уларни халқаро аудит стандартларига мувофиқлаштириш, аудиторлик текширувлари жараёнлари услугиятини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида, бугунги кунга келиб, мамлакатимизда мустақил аудиторлик услубиёти яратилди. Ҳозирги кунда аудиторлик услубиёти яратилган бўлса-да, уларни иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тақомиллаштириш зарурати туғилади.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда “аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади” [2] деб белгилаб қўйилган. Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг аудиторлик тешкирувларини амалга оширишда аудиторлик фаолияти миллий стандартлари асосида амалга оширади ҳамда аудиторлик хulosаларини тақдим этади.

Бугунги кунда аудиторлик фаолияти миллий тизимини халқаро аудиторлик фаолияти тизимларига мослаштириш борасида олиб борилаётган ишлар келажакда аудиторлик фаолияти борасида тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгилайди. Хусусан, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти халқаро стандартларини англатади.

Ҳозирда мамлакатимизда аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Ўзбекистон Республикасида эълон қилиш тўғрисидаги руҳсатномаси асосида аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик фаолияти стандартлари асосида амалга оширилмоқда.

Аудиторлик фаолияти жараёнларидан бири аудиторлик текширувни режалаштириш ҳисобланади. Жумладан, “Аудиторлик текширувни режалаштириш жараёнидаги муҳим босқичлардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини баҳолашдан иборат бўлиб, тегишли миллий стандарт билан тартибга солинади. Маълумки, назорат бошқарув функцияларидан бири ҳисобланади. Шу боис ички назорат тизимининг ташкил қилиниши ва амалга оширилиши раҳбарга мазкур хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда кўмаклашувчи восита саналади” [8].

Аудиторлик текширувининг муҳим элементларидан бири сифат назорати тизими ҳисобланиб, у ёрдамида аудиторлик хulosасининг қай даражада ишончли эканлигига баҳо бериш мумкин. Аудитнинг сифат назорати сиёсалари ва тартиб-таомилларини аудиторлик ташкилоти ходимларига билдириш сифат назорати сиёсалари ва тартиб-таомилларининг ва уларни ташкил этиш орқали эришиладиган мақсадларнинг изоҳини, ҳар бир шахс сифат учун шахсий жавобгарликка эгалиги ва унинг ушбу сиёсалар ва тартиб-таомилларга риоя этиши кутилаётганлиги тўғрисидаги хабарни ўз ичига олади. Аудиторлик ташкилоти ходимларининг сифат назорати масалалари бўйича ўз фикрлари ёки муносабатларини билдиришини рафбатлантириш аудиторлик ташкилотининг сифат назорати тизимига нисбатан фикр олишнинг муҳимлигини англашади.

Шу боисдан хўжалик юритувчи субъектларда молиявий инвестициялар аудитининг назорат муомалаларини режалаштиришда текширув ўтказиш йўналишларини аниқлаш, ҳаракатлар кетма-кетлигини, керакли бўлган исботлар манбаларини белгилаш лозим. Аниқ тадбирларни тартибга солиш ва аудиторлик таваккалчилигини камайтириш мақсадида молиявий инвестициялар аудити бўйича маҳсус дастурни тайёрлаш тавсия этилади [11].

Аудитор инвестициялар аудитини амалга оширишда инвестицияларни баҳолашда

қайси усулдан фойдаланилаётганлигини ва унинг субъектнинг ҳисоб сиёсатини ҳисобга олган ҳолда танлаган вариантга мос келишини текшириши лозим. Инвестицияларни амалга оширишга доир харажатлар ҳужжатлар билан тасдиқланиши ва таҳлилий ҳисобда акс эттирилиши лозим. Айрим молиявий қўйилмалар (пайлар) қиймати йўлхат ва мулк эгалигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин. Шу боисдан инвестициялар аудитини ўтказишда аудитор томонидан аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, инвестициялар аудитининг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисбот маълумотлари ишончлилигини ҳамда инвестицияларни ҳисбга олиш усуллари ва солиқ солиш муомалалари бўйича ҳисоби меъёрий-хукуқий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуидаги биз томонимиздан 1-жадвалда ишлаб чиқилган аудитнинг вазифалари намунаси келтирилган.

1-жадвал

Инвестиция фаолияти аудитининг вазифалари

T/p	Аудитнинг асосий вазифалари
1.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари инвестициялар таркибига киритилганлиги тўғрилигини текшириш.
2.	Ҳисбода инвестицияларнинг тегишли белгилари бўйича уларнинг туркумланишини чегаралаш, тўғрилигини текшириш.
3.	Инвестицияларни ҳисбга олишда уларнинг қиймати тўғри шаклланганлигини текшириш.
4.	Инвестициялар билан боғлиқ муомалалар ҳисобининг тўғрилигини текшириш.
5.	Инвестициялар синтетик ва аналитик ҳисоби ҳолатини баҳолаш.
6.	Инвестицияларни инвентаризациядан ўтказиш тартиби ва уларнинг натижалари ҳисбода тўғри акс эттирилганлигини текшириш.
7.	Инвестициялар билан боғлиқ муомалалар бўйича солиқ қонунчилигига риоя этилаётганлигини текшириш.

Келтириб ўтилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда аудитор томонидан аудитнинг объектлари белгилаб олинади ҳамда ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ аудиторлик текшируви амалга оширилади.

Инвестиция фаолиятининг аудитига киришишдан олдин, аввало, юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида аудиторлик муолажаларининг дастурини ишлаб чиқиши зарур.

Аввало, аудитор амалга оширилган молиявий инвестицияларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиши лозим. Булар сира-сига олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, қўйилган суммалар ҳақидаги гувоҳномалар, қарз бериш ҳақидаги шартномаларни киритиш мумкин. Қимматли қофозлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эса олди-сотди шартномалари, облигациялар сўндирилганлиги ва берилган қарзлар қайтарилганлигини тасдиқдовчи тўлов топшириқномаларини киритиш мумкин.

Аудиторлик текшируви жараёнида узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш учун қайта баҳолашни амалга ошириш даврийлигини, шу жумладан, узоқ муддатли инвестициялар тоифаларини аниқлаш

зарур. Баланс қийматининг вақтинча пасайшини истисно этган ҳолда, инвестициялар қиймати камайган тақдирда барча узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати камайтирилади. Бунда камайтириш ҳар бир молиявий қўйилма бўйича аниқланади ва тайёрланади.

Аудитор молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган қўшимча миқдор хусусий капиталга қайта баҳолашдан келган даромад сифатида қўшилиши кераклигини эътиборидан четда қолдирмаслиги лозим. Молиявий инвестициялар қиймати камайган тақдирда камайиш миқдори хусусий капиталда акс эттирилган ўша инвестициялар олдинги баҳолаш қиймати ҳисбидан амалга оширилади.

Агар молиявий инвестициялар қийматининг камайиши миқдори илгариги қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан кам бўлса, бу тафовут харажат сифатида ҳисбга олиниши лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қўшимча баҳолаш миқдори мазкур инвестициялардан келган зарар қоплангандан сўнг хусусий капитал кўпайишига киритилади.

Молиявий инвестициялар аудитининг назорат тартиботларини режалаштиришда текширув ўтказиш йўналишларини аниқлаш, ҳаракатлар кетма-кетлиги, керакли бўлган исботлар манбаларини белгилаш лозим. Аниқ тадбирларни тартибга солиш ва аудиторлик таваккалчилигини камайтириш мақсадида молиявий инвестициялар аудити бўйича маҳсус дастурни тайёрлаш тавсия этилади.

Ишлаб чиқилган текширув дастурига мувофиқ, аудитор ҳисобот даври бошидаги ва ҳисобот даври охиридаги кўйидаги баланс модда (040, 050, 060, 070, 080 сатр)лари маъ-

лумотларини мос равишда “Қимматли қоғозлар”, “Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”, “Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар” счёти, “Хорижий капиталга эга бўлган жамиятларга инвестициялар”, “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар”ни ҳисобга олиш маълумотлари билан, шунингдек, Бош дафтар билан, Бош дафтар маълумотларини эса тегишли ҳисоб регистрлари ҳамда дастлабки хужжатлар билан таққослаши зарур. Сўнгра инвестициялар қиймати тўғри белгиланганлигини текшириши лозим (2-жадвал).

2-жадвал

Инвестиция фаолияти аудитининг обьектлари

Кўрсаткичлар		Кўрсаткичлар келтирилган молиявий ҳисобот шакллари							
Номи	Счётлар №	1-шакл		2-шакл		4-шакл		5-шакл	
		Сатр №	графа	Сатр №	графа	Сатр №	графа	Сатр №	графа
Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар	0600	030	3						
Қимматли қоғозлар	0610	040	3					130	2
Шуъба жамиятларга инвестициялар	0620	050	3						
Қарам жамиятларга инвестициялар	0630	060	3						
Чет эл инвестицияли корхоналар	0640	070	3						
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	0690	080	3						
Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар	0800	100	3			100	2		
Тугалланмаган қурилиш	0810	100	3						
Асосий воситаларни сотиб олиш	0820	100	3						
Номоддий активларни сотиб олиш	0830	100	3						
Асосий подани ташкил этиш	0840	100	3						
Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	0850	100	3						
Узоқ муддатли ижара шартномаси асосида олинган, асосий воситаларга капитал қўйилмалар	0860	100	3						
Бошқа капитал қўйилмалар	0890	100							
Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар:	5800	370	6			100	2	130	2
Қимматли қоғозлар	5810	370	6						
Қисқа муддатга берилган қарзлар	5830	370	6						
Бошқа жорий инвестициялар	5890	370	6						
Молиявий фаолият бўйича даромадларни ҳисобга олувчи счёtlар	9500			110	4	180	3		
Дивиденд кўринишидаги даромадлар	9520			120	4	120	3		
Фоиз кўринишидаги даромадлар	9530			130	4	110	3		

Юқорида келтириб ўтилган тавсиялар аудиторлик текшируви давомида аудиторлик рискини сезиларли даражада камайтириш ҳамда ташқи фойдаланувчилар учун ишончли ахборот билан таъминлаш имконини беради.

Аудиторлик текшируви мураккаб, қўп қиррали жараён ҳисобланади, уни ўтказища

турли вазифалар ҳал қилинади ва маълум миқдорда меҳнат ва маблағ жалб қилинади. Шунинг учун аудиторлик текширувни ўтказиши усулларига диққатни қаратиш ва ундан унумли фойдаланиш зарур.

Молиявий инвестициялар аудитининг назорат муолажаларини режалаштиришда

текширув ўтказиш йўналишларини аниқлаш, ҳаракатлар кетма-кетлиги, керакли бўйланган исботлар манбаларини белгилаш лозим. Аниқ тадбирларни тартибга солиш ва аудиторлик

таваккалчилигини камайтириш мақсадида молиявий инвестициялар аудити бўйича маҳсус дастурни тайёrlаш тавсия этилади.



1-расм. Молиявий инвестициялар аудитини ўтказиш босқичлари

Манба: Тадқиқот давомидагу муллоф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар натижасида биз томонимиздан “Молиявий инвестициялар аудитининг режаси” ҳамда “Молиявий инвестициялар аудитининг дастури” ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган текширув режаси ва дастурига мувофиқ, аудитор ҳисобот даври бошидаги ва ҳисобот даври охиридаги молиявий инвестицияларга доир баланс моддаси ҳамда уларга оид дастлабки ҳужжатларни текшириши лозим.

Биз томонимиздан молиявий инвестиция фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма-кетлиги уч босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги белгиланди (1-расм).

Аудитор ҳар бир босқичда тегишли саволларни, шунингдек, содир этилиши мумкин бўйланган хатоликлар ва уларнинг маълумотлар ҳақиқийлигига таъсирини кўриб чиқади. Молиявий инвестициялар аудитини амалга ошириш жараёнida аудиторлик далиллари муҳим аҳамият касб этади.

Амалда аудиторлик далиллари назорат қилиш, кузатиш, сўровнома ўтказиш, санаш амалларини ўзи ичига олади. Ушбу амаллар аудитор томонидан молиявий инвестициялар самарадорлигини аниқлаш ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ очиб беришда етарли ҳисобланмайди.

Молиявий инвестициялар аудиторлик далилларини олиш амаллари таркибида қўшимча амалларнинг киритилиши далил тўплаш имкониятини кенгайтириш, аудиторлик далилларининг мослиги ва етарлилигини таъминлаш, натижада аудиторлик хulosасининг объективлиги ва сифати ошишига хизмат қиласди.

Хуласа ва таклифлар. Молиявий инвестициялар аудитини танишув (текширилаётган мижоз молиявий инвестициялари бўйича дастлабки тасаввурни шакллантириш), асосий (молиявий ҳисоботда молиявий инвестицияларнинг тўғри акс эттирилганлигига муаяйн даражада ишонч ҳосил қилиш) ва якуний (молиявий ҳисоботнинг молиявий инвестицияларга тегишли ахборотлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш) босқичларида ўтказиш илмий жиҳатдан асослаб берилди. Натижада аудиторлар томонидан молиявий инвестициялар текширувни ўтказиш жараёнida ўз фикрини тизимли тарзда шакллантириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, сифатли молиявий инвестициялар аудитига тааллукли аудиторлик хulosасини тузиш имконини берди.

Амалда аудиторлик далиллари назорат қилиш, кузатиш, сўровнома ўтказиш, санаш амалларини ўзи ичига олади. Ушбу амаллар

аудитор томонидан молиявий инвестициялар самарадорлигини аниқлаш ҳамда улар түғрисидаги маълумотларни тўлиқ очиб беришда етарли ҳисобланмайди. Биз аудиторлик амаларини амалга оширишда “таққослаш” амалини киритишни таклиф этдик. Ушбу амални киритиш орқали корхона томонидан олдинги йиллар бўйича молиявий инвестициялар түғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини аниқлаш имконини беради. Бунда аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг бир неча йиллик ҳисобот маълумотлари тўғрилиги таққосланади ва молиявий ҳисобот маълумотлари бир-бирига мослиги текширилади. Бу иккита маълумот ўрта-

сида топилган ўхшашлик ва фарқларни тавсифлашни ифодалайди.

Молиявий инвестицияларни аудиторлик текширувидан ўтказиши жараёнида аудиторлик рискини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар натижасида нафақат аудиторлик рискини камайтириш, балки фойдаланувчиларни ишончли ахборот билан таъминлаш имконини ҳам беради.

Юқорида келтириб ўтилган тавсиялар молиявий инвестицияларни аудиторлик текшируви давомида аудиторлик рискини сезиларли даражада камайтириш ҳамда ташқи фойдаланувчилар учун ишончли ахборот билан таъминлаш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. <https://president.uz/uz/lists>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 32-модда. ЎРҚ-677, 25.02.2021. www.lex.uz
3. Farrokh Barzideh, Soroush Lotfi, Mehdi Mousapour, Mojtaba Aghaei. Accounting for investment: challenges & criticisms. [www.sciencejournal.in.Volume-3 \(Special Issue 3\) 2014](http://www.sciencejournal.in.Volume-3 (Special Issue 3) 2014).
4. ZHIYUN OUYANG, HUA ZHENG, YI XIAO. Improvements in ecosystem services from investments in natural capital. [www.sciencejournal.in.Volume-352 \(Special Issue 6292\) 2016](http://www.sciencejournal.in.Volume-352 (Special Issue 6292) 2016).
5. Левина М.В. Организация и методика экономического анализа финансовых вложений тема докторской и автореферата по ВАК РФ 08.00.12, кандидат экономических наук. – Воронеж, 2011.
6. Житлухина О.Г. Особенности понятия финансовых вложений в аспекте бухгалтерского учета и финансовых вложений в аспекте бухгалтерского учета и финансовой отчетности. Бухгалтерский учет № 6 июнь 2010 г.
7. Пасечник А.В. Организация и развитие учета финансовых вложений в организациях. Автореферат докторской на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ростов на Дону, 2010 г.
8. Илхамов Ш.И. Молиявий ҳисобот аудити услубиятини ҳалқаро стандартларга мувофиқ ривожлантириши. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 6-сон, 2015 йил, ноябрь-декабрь. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/>
9. Hamdamov B.K. Auditning xalqaro standartlari. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2020-y. – 245 b.
10. Эргашева Ш.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. – T.: Iqtisodiyot, 2021 г. – 308 стр.
11. Yorkin Suyunov. Topical issues of financial accounting of investment. International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. p-ISSN:2308-4944(print) Year:2019 Issue:09 Volume:77 Published:30.09.2019) // <https://T-Science.org>



РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сативалдиева Доно Абдурахманова -
ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доцент,
Мавлянова Дилобар Махкамовна -
ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доцент

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a15

Аннотация: Мақола рақамли технологияларнинг иқтисодиётга интеграциясини акс эттиради, бу барча соҳаларда, шу жумладан бухгалтерия ҳисобида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини - бу санадан кейин емас, балки бухгалтерия ва аналитик ахборотни узлуксиз, узлуксиз ва ҳужжатлаштирилган рўйхатга олиш вақтида шаклланган онлайн-ҳисоботларни тузиш мумкин бўлди.

Калим сўзлар: рақамлаштириш, ахборот технологиялари, рақамли платформалар, рақамли хизматлар, ходимлар, ҳисобот, таҳлил, молия, инновация, бухгалтерия, онлайн, симлар, алгоритм.